



TOXAP HA SYXPA

УЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ



КУП ТОМЛИК

кб 434
744



**Тоҳир ва Зухра
Суманбар
Зевархон
Варқа билан Гулшоҳ
Вомиқ ва Узро**



дostonлар

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1974



Ўтган замонда, элу юрти омонда, анави кўринган тоғларнинг ортида, Самарқанднинг сиртида, Узжан юртида Қорахон ва Сарихон деганлар ўтди. Қорахон подшоҳлик қилиб, Сарихон вазирлик қилиб, иккави дўст бўлиб, бир-бирининг гапини ерда қолдирмай, ҳурмат-иъзат билан, катта давлат билан, ноз-неъмат билан яшаб, ошларини ошаб, иккави ҳам қирқдан қирқ бешга қараб қадам қўйиб қолдилар. Аммо буларнинг ҳеч нарсадан ками йўқ бўлса ҳам дунёда бир тирноққа зор эдилар.

Кунлардан бир кун Сарихон подшоҳнинг олдига кирса, Қорахон зор-зор йиглаб ўтирибди. Шунда Сарихон Қорахон подшоҳга қараб: «Эй шоҳим, мамлакатнинг тўрт тарафи ҳукмингизда бўлса, соянгиздан қуш қўрқиб учиб ўтолмаса... сизга қаердан ситам ўтди», деб сўраб, нима дейди:

Давлатда жамлик бўлмаса,
Савлатда камлик бўлмаса,
Бисотингда саноқсиз мол,
Неъматда камлик бўлмаса...
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Эгри-бугри қарвон ўтди,
Кимлар келди, кимлар кетди.
Энди навбат бизга етди;
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Юртингга душман келдими,
Элингги горат қилдими?
Нокас йўлингги олдими,
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Шилқиллаб чиқариб товуш
Йинглайсиз, йўқ сира кулиш.
Даврон ўтди овуш-овуш,
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Сув келади сойлар билан,
Кўплар ўтар войлар¹ билан.
Ҳамсуҳбатинг ойлар билан,
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Сув келади дарё билан,
Ишлар ўтар имо билан.
Ларсиллаган каниз қизлар
Пастдан боқар қиё билан.
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Сув келади тиниқ, лойқа,
Қирқдан ошиб бўлдиқ сийқа.
Давлатингдир доим тайиқа²,
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Сув келади қиё, дўнгдан,
Кўпик ташлаб оғзи кенгдан,
Доим ишинг келса ўнгдан...
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Сув келади новли тошқа³,
Одам бахти бошқа-бошқа.
Босган изинг кўзи қашқа,
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

Сув келибди гулистонга,
Сўзинг ором берар жонга,
Хабар бергин Сарихонга,
Шоҳим, кимдан ситам ўтди?

¹ Оқу вой билан.

² Беҳисоб.

³ Тошга.

Шунда Қорахон ҳам дўсти, ҳам вазири Сарихонга қараб юрагини ёзиб, дардини ёриб нима дейди:

Богим сўлганга йиғлайман,
Барги тўлганга йиғлайман.
Йигитлигим аста-секин
Адо бўлганга йиғлайман.

Мева солмас ар-ар терак,
Мен найлайини, куйди юрак.
Бирор фарзандим бўлмаса,
Бу шавкатлар нима керак?
Мен ана шунга йиғлайман.

Сувдай оқиб умрим ўтар,
Бир кун ажал илгим тутар.
Бир меросхўр бўлмаган сўнг,
Бахти юртим қўлдан кетар.
Мен ана шунга йиғлайман.

Дунёда қолмайди отим
Бўлмаган сўнг зурриётим.
Даштда қуюн тўзигандай,
Ўлсам, қурир исмим, зотим.
Мен ана шунга йиғлайман.

Ғам қуйилар ҳар томондан...
Таним жудо бўлса жондан,
Тавба, худо кўрсатмасин,
Нишон қолмас Қорахондан.
Мен ана шунга йиғлайман.

Сарихон бу сўзни эшитиб: «Эй подшоҳим, дунёда фарзанд доғида куйган бир сиз эмассиз. Мана, Сарихон ҳам худди сиздай-ку. Шоҳим, дунёда ҳеч «бўлдим» деган одам ҳам бормикни!» деб, кўнгли вайрон бўлиб, нима дейди:

Золим фалакнинг жавридан¹
Зўрлар ҳам тушар ҳовридан.
Дунёнинг ўтмиш давридан
Йиғламанг, шоҳим, мен йиғлай!

¹ Жабридан.

Тақдиримиз пайвастандан,
Чархи самонинг дастидан,
Умидсизлик бир оғир юк,
Чиқа билмадик остидан.
Йигламанг, шоҳим, мен йиглай!

Тоғлар боши чалди туман,
Фарзанд доғи жуда ёмон.
Подшоҳларга йиғлаш ҳаром,
Сабр қилинг, шоҳи замон,
Йигламанг, шоҳим, мен йиглай!

Дарё суви ёзда тошди,
Ёшларимиз қирқдан ошди,
Бориб элликка ёношди.
Тошга урсам оғрир бошди¹,
Йигламанг, шоҳим, мен йиглай!

Сарихон саргайди, сўлди,
Гоҳда йиғлаб, гоҳда кулди.
Узжан юртининг чегаси,
Султоним, сенга на бўлди,
Йигламанг, шоҳим, мен йиглай!

Шунда Қорахон Сарихонга қараб:

— Эй дўстим, иккавимиз ҳам бирдай фарзанд доғида куйганмиз. Кел, иккавимиз бир тоғларга чиқиб олқор-полқор овлаб, пича ичимизни бўшатиб келайлик, бўлмаса тоза диққи нафас бўлиб ўламиз,— деди. Сарихон шунда Қорахонга:

— Шоҳим, сиз нима десангиз, бизнинг раъйимиз ўшанга,— деди.

Шуйтиб, бирга овга чиқмоқликка жазм қилишди.

Қорахон билан Сарихон «кўнгил ёзмоққа тов² яхши, ундан кейин ов яхши», деб элдан безиб, иккави икки тулпор отда тоғларга чиқиб кетдилар. Тоғларда булоқларнинг бошини, дўлоналарнинг соясини макон қилиб, халқдан ташқари юрабердилар. Қорахон билан Сарихоннинг навкарлари ҳам бу воқеадан хабардор бўлиб, обу таом ташиб, Қорахон билан Сарихоннинг аҳволотидан хабар олиб юр-

¹ Бошни.

² Тоғ.

дилар. Шуйтиб, бир кун Қорахон билан Сарихон бир дўлонанинг остида соялаб ўтириб, ҳасратлашиб туриб, шунда Қорахон Сарихон дўстига боқиб, кўздан ёши маржон-маржон оқиб: «Биалар ҳам шу дунёда фарзанд кўрарми-канмиз»,— деб зор-зор йиглаб нима дейди:

Тогдан-тоққа от сакратиб,
Сарсон бўлиб юрамизми?
Бошқалардай биз ҳам фарзанд
Тирноғини кўрамизми?

Бугун бўлди, бугун бўлди,
Эй дўстим, неча кун бўлди.
Бефарзандликнинг доғидан
Қора кўзим қонга тўлди.

Ҳар кун тонга боқамизми,
Кўнгилга ўт ёқамизми?
Шуйтиб, тоғда элдан безиб,
Одамликдан чиқамизми?

Зор инграган Қорахондир,
Бефарзандлик кўп ёмондир.
Сарихон, ростини айтсам,
Ҳаёт бизга дарғумондир.

Сарихон шунда Қорахон подшоҳга қараб: «Эй шоҳим, ноумид шайтон, ҳали кеч эмас. Бировга бошда, бировга оёғида бахт дорийди, деган», деб Қорахон подшоҳга дилдорлик бериб, нима дейди:

Гоҳи ўнгдан, гоҳ чапдан,
Шамол турар, султоним.
Утиб қайғу, оқшамдай
Этак ёрар, султоним.

Қувватимиз кимдан кам,
Давлатимиз кимдан кам?
Худой берса кампир ҳам
Фарзанд кўрар, султоним.

Юришимиз кўкнори
Туш эмасми, султоним?

Ноумидлик шайтоннинг
Ишимасми, султоним?

Бунда ҳамро қилдингиз
Сарихонни, султоним.
Сарихонни сиздан ҳам
Бағри қондир, султоним.

Бу сўзни Сарихон айтди, Қорахон шунда бу сўзни эшитиб, қани энди шундай бўлса деб Сарихон дўстига қараб нима дейди:

Оғзингга мой, Сарихон,
Қани энди, жўражон,
Фарзанд кўриб бизлар ҳам
Бўлсак эди беармон.

Қизли бўлсак биримиз,
Улли бўлсак биримиз.
Қуда бўлсак иккимиз,
Бошқа йўқдир тиримиз.

Шоҳид бўлгин, Сарихон,
Ният қилдим шуни мен.
Бир ул, бир қиз бизлардан
Пайдо бўлган куни мен

Эли халқни жияйин,
Борим халққа ияйин,
Қиз отини Зуҳра деб,
Уғлин Тоҳир қўяйин.

Йўқдан илҳом бўлдима...
Шу гап келди дилима.
Дилим қайнаб, Сарихон,
Келиб қўнди тилима.

Иковимиздан бошқага,
Шу ниятни айтмайик,
Ваъдамиз шу, Сарихон,
Шундан асло қайтмайик.

Қорахон бир дардиманд,
Сўзлайди валимонанд.
Шу айтгани қилайлик,
Бизларга берса фарзанд!

Бу сўзни Қорахон айтди...

Энди Қорахон подшонинг ўрдасидан бир хабар олайлик. Бундан бир неча ой илгари Қорахон билан Сарихоннинг заифалари ой ошиб қолган эдилар. Ана энди муддати тамом бўлиб, Қорахон подшонинг хотини бир қиз га Сарихон вазирнинг хотини бир ўғил туғди. Дарров суюнчига деб навкарлар Қорахон билан Сарихон ўтирган булоқ бошига қараб чопиб кетдилар. Ҳадемай, тоққа етдилар. Шунда навкарларнинг каттаси отдан тушиб, Қорахон билан Сарихоннинг олдига бориб, қўл қовуштириб, «суюнчи беринг» деб, Қорахон билан Сарихонга қараб, мўйлови-ни бураб, қўлини биқнига тираб нима дейди:

Буён келди етти навкар,
Навкарларнинг бари давкар.
Олиб келдик бир хуш хабар,
От беринг жийрону чавкар.

Шоҳим, сўраймиз суюнчи,
Таблада бедов тулпордан,
Қаторга тиркалган нордан,
Нуқрадан, олтиндан, зардан,
Зарбоп тўн, нақшин камардан,
Шоҳим, сўраймиз суюнчи.

Сув келади гулдур-гулдур,
Суюнчига қўйним тўлдир!
Шоҳим, сенга арзим шулдир,
Шоҳим, сўраймиз суюнчи.

Узжанда даврон сурдингиз,
Бахти давлатлар кўрдингиз,
Тушларни ўнгга йўрдингиз,
Қорахоним бир жонимга,
Вазир, сиз ўғил кўрдингиз,
Шоҳим, сўраймиз суюнчи.

Тош баландга думалади,
Биздан хабар ким олади.
Шоир сўзнинг бандин кесар,
Бўлмаса сўз қамалади.

Қорахонга бу сўз ёқди,
Навкарларга кулиб боқди.
Шошгани ҳам, нетгани ҳам,
От устига ирғиб чиқди.

Сарихон ҳам шоҳни кўрди,
Бул ҳам чаққон ирғиб турди.
Борин сочиб навкарларга,
Дол бедовга қамчи урди.

Шоҳ боради отин қувиб,
Савлат билан дўқтин уйиб,
Гоҳ қувониб, гоҳ аёли
Қиз туққанга зедни койиб.

Гоҳи подшоҳ олдин ўтиб,
Гоҳ вазири қувиб етиб,
Сарихон отдан йиқилди,
Дол бедови мунгиб кетиб.

Шуйтиб, йўлда Сарихоннинг оти мунгиб кетиб, Сарихон дўстаманига йиқилиб, йўлда тап тортмай жон берди, шуйтиб, бугунги кунни Қорахон мотам билан ўтказди. Сарихоннинг таъзиясини бажо келтириб, изват-икром билан кўмдирди. Сарихоннинг хотинининг кўнглини ширин сўзлар билан кўтарди.

«Аттанг, қизли бўлибман-да... Ҳай майли, фарзандсизликдан шу бўлса ҳам яхши, борига шукур», деб эртасидан бошлаб Сарихоннинг ўрнига Қора ботир деган полвонини вазир қилиб кўтарди. Лекин Қорахон подшоҳ дўсти Сарихоннинг муродига етмай ўлганлиги учун кўп қайғириб, орадан етти кун ўтгандан кейин, ўзининг ниятига мувофиқ қизининг исмини Зухра ва Сарихоннинг ўғлининг исмини Тоҳир қўйдирди. Ана энди Тоҳир билан Зухра, олам бе-хабар, кундан-кунга ўсиб-улгайиб, «ота, эна», дегундай, нарса берса егундай бўлиб қолди. Бирдан иккига, иккидан учга, учдан тўртга қадам қўйиб, бир-бирлари билан урушмай, нетмай, жуда соз чиқиб, ўйнаб юрадиган бўлиб қол-

дилар. Буларни еттига киргандан кейин бир яхши мактабдор муллага элтиб, «суяги бизники, гўшти сизники», деб топширдилар. Шуйтиб, Тоҳир билан Зухра мактабда ҳам ўзидан-ўзи бир-бирларини яхши кўриб, ўйнаб юришар эди. Бир кун баҳорда Зухраой Тоҳирга «кел, иккавимиз лола терамиз! Лоланинг ҳам энг тозасидан», деб Зухраой Тоҳирга қараб нима дейди:

Тоҳир, қара дала-даштга,
Алвон кийиб қизарибди.
Заранг челнинг увотидан,
Тонг отгандай сизарибди!

Бир хиллари напармондан,
Гўзал ўхшар, сендан-мандан.
Кел, чопишиб, гул терайик,
Гулзорга тер тўкиб тандан.

Кел, чопайлик аста-аста,
Гул қўлтиқлаб даста-даста.
Бир гап айтиб берарига,
Ким орқада қолиб кетса.

Отим менинг Зухра гўзал,
Айтгим келар қўшиқ, газал.
Эртага келсанг айтаман,
Тағин бугун бўлма кашал,
Гапим ўшал, ўшал-ўшал!

Қиз боласи қургур шайтон бўлар экан, Зухра ҳамма гапни олдиндан худди биров ўргатиб қўйгандай Тоҳирни ҳам ҳар хил ўйин ва хуш ҳаракатларга солиб юрар эди. Аммо Тоҳир бўлса Зухрани бир тенгқур қиз деб билиб, бошқа ҳеч нимага тушунмас эди. Шундай қилиб Тоҳир ўн бешга кирганча ҳам шуйтиб бир гўл бола бўлиб ўсди. Кунлардан бир куни Тоҳир икки соққани беш пойга уриб, бир-бири билан соққаларни шуйтиб уриштириб, ўйнаб бораётганда соққасининг бири чарх йигириб ўтирган кампирнинг чархига тегиб, чархининг паррагини синдириб қўйди, шунда кампир Тоҳирга қараб: «Эй нодон бола», деб нима дейди:

Ҳеч гап билмас новда нодон,
Гўдак қилиқ йигит ўғлон.

Жасадинг етишган посбон,
Дилдорингни биласанми?

Хали ишқинг ошиқдами,
Ялла боқи қўшиқдами,
Е хаёлинг маъшуқдами,
Дилдорингни биласанми?

Дардинг ҳали чораси билан,
Тенгсанми сен ҳар ким билан,
Юрмайсанми хоним билан,
Дилдорингни биласанми?

Йигит бўлсанг гулдай жайна,
Ошиқ бўлсанг жонни қийна!
Зухра билан бориб ўйна!
Дилдорингни биласанми?

Ошиқ ўйнаш гўдак иши,
Бешпой чертмас йигит киши,
Айб бунда айланиши,
Дилдорингни биласанми?

Кампир моманг чарх йигирар,
Дилдорингдан хабар берар,
Қаллиқ тўйинг кутиб турар,
Дилдорингни биласанми?

Кампир момоси Тоҳирга шу сўзларни айтди. Тоҳирнинг қулоғига момосининг сўзлари ёқиб кетиб, момо, менинг дилдорим ким эди, деб момосига қараб нима дейди:

Чарх йигирган, эй жон момо,
Дилдоримдан хабар беринг!
Қаллиқ тўйин сиз истаган
Дилдоримдан хабар беринг!

Зухраойни қўшиб сўзга,
Кўп олдингиз тилингизга,
Нега ундай, айтинг бизга!

Дарёдай тўлиб-тошаман,
Табгиримдан адашаман.
Айтинг, бориб улашаман,
Дилдоримдан хабар беринг!

У дилдорим қандай гўзал,
Таърифига айтай ғазал,
Айтмасангиз бўлғум касал,
Дилдоримдан хабар беринг!

Бу сўзни Тоҳир айтди, шунда момоси:

— Ҳа ўғлим, энди хаёлинг жойига келдими? Дилдоринг Зухра-да. Зухрадан бошқа ким бўлар эди! Гапни:иг у ёғини энангдан сўра! Кейин биласан. Аммо энангдан сўрашнинг ҳийласи бор. Ҳийласи жанжал қиласан... Энанг қовурмочни бир идишга солиб беради, албатта. Сен шунда қовурмочни олмайсан. Охири ноилож энанг қовурмочни қўли билан беради. Шунда сен энангнинг қўлини маҳкам қисиб, «менга аташтирган қиз ким? Агар айтмасанг қўлингни қўймайман», деб турасан. Энангнинг қўлидан қовурмочнинг иссиғи ўтиб, ноилож ҳамма гапни сенга айтиб беради.— деб кампир момоси Тоҳирга хўб ўргатди. Ана энди Тоҳир уйига келиб, «энажон, қовурмоч егим келди», деб жанжал қилди. Тоҳирнинг энаси дунёда ёлғизи, кўрар кўзи, сарғайиб ётган фарзанди, нима деса қайтармай ўрганган эмасми, дарров озроқ қовурмоч қилиб, косага солиб бермоқчи бўлаверди. Шунда Тоҳир:

— Косада емайман!— деди. Энаси:

— Чираққинам, бўлмаса чўмичга солиб берайми?— деди.

Тоҳир:

— Чўмичда емайман! Менга қовурмочни фақат қўлинг билан бер!— деди. Энаси:

— Майли, ишқилиб сени хафа қилмасам бўпти.— деб қовурмочни кафтига солиб Тоҳирга келтириб тутганда, бирдан Тоҳир энасининг қўлини маҳкам қилиб, қовурмоч билан қисиб турди. Шунда энасининг қўлидан иссиқ ўтиб, «дод» деб нима дейди:

Сенга бундай қилқни
Қандай бадбахт ўргатди.
Қўйиб юбор қўлимни,
Чимчллаб иссиқ ботди.

Шунда Тоҳир: «Эна, менга аташтирган қиз ким? Шунини айтмасанг, қўлингни бўшатмайман!»— деб нима дейди:

Эна, баён айлагин,
Аниқ аён айлагин,
Қолдирмасдан сўйлагин,
Менга дилдор ким ўзи?

Қизлар ичра сайлаган,
Билолмайман, ҳайронман,
Билмакка ногиронман,
Менга дилдор ким ўзи?

Билмасам паришонман,
Мендан сирни яширма,
Дард-аламни тоширма!
Ҳасратимни оширма!
Менга дилдор ким ўзи?

Кўнглим истар бир пари,
Билмам кимнинг каптари.
Майли мени қаргайбер,
Қаргишинг менга дори.
Қандай бойнинг духтари,
Менга дилдор ким ўзи?

Бу сўзни Тоҳир айтди. Энаси «оббо, шунча яширганим билан бўлмади. Бунга биров ўхшатиб шипшитибди. Энди рост гапни айтмасам бўлмас экан», деб, Тоҳирга қараб:

— Майли, қўлимни қўйгин: ҳамма гапни айтиб берман,— деди.

Тоҳир энасининг қўлини қўйиб юборди. Шунда энаси Тоҳирга қараб нима дейди:

Тоҳиржоним, кўмилган
Қўрамтани¹ қўзғадинг.
Нимасини айтаман,
Ҳарна сирин айт, дединг.

Бир вақтлар сенинг ҳам
Ғамхўр отанг бор эди;

¹ Иссиқ кул.

Нимасини айтаман,
Ҳеч қўймасанг қайтаман.
Кўзгаб ёрсанг дардимни,
Мен ўзимни қайтаман¹.

Отанг элнинг тўраси,
Шоҳнинг эди жўраси.
Нимасини айтаман,
Оғрир кўнглим яраси.

Подшоҳ билан келишиб,
Бир кун ваъда қилишган.
Қуда бўлиш йўлида,
Ҳар икков қўл олишган.

Тонг отди-ю, кун кетди,
Муродига ким етди?
Отанг сени кўрмасдан
Марги майдонга ўтди.

Зухра султоннинг қизи,
Кўйлаги зар қирмизи.
Биз бўлсак фақир, пўстак,
Кўзга иларми биззи².

Шуйтиб, билсанг аввалида азиз эдик, охирида хор бўл-дик. Авваллари, ўзинг ҳам биласан, сенинг ҳам эътиборинг бор эди. Ҳозир бўлса эл кўзига беэътиборсан. Шуйтиб, аввалда Қорахон ваъда қилган бўлса ҳам эндиликда бизларни кўзга илмайди. Ундан кўра, энди мендан бу гапларни билдингу, эсинг борида астагина Зухра деб оғиз очмай қўяқол! Вақти соати билан бизга ҳам бир ўзимизга ўхшаган олақир пўстак топилар,— деди.

Тоҳир энасидан бу сўзларни эшитиб ўйласа, бир ҳисобда энасининг гапи ҳам тўғри. Ҳа, айтмоқчи, Тоҳирни авваллари мактабда болалар ҳам, мулласи ҳам Тоҳиржон деб сийлашар эди. Зухраой билан бир китобдан сабоқ ўқир эди. Сўнгра, нима бўлди-ю, болалар ҳам, мулласи ҳам Тоҳирни пишилдоқ, деб ҳақорат қиладиган бўлиб қолди. Тоҳир «мен пишилдоқмиканман», деб шунча ўзини

¹ Қандай қиламан.

² Бизни.

теткаса ҳам бўлмади. Охири Тоҳир мактабдан совиди. Ана энди Тоҳир мактабга боришдан кўра, кўпроқ сепой ва бешпой ўйнашни яхши кўради.

Шуйтиб, Тоҳир энди ечимлаган жумбоқларни счди. Ундан кейин қандай қилиб ўзининг мактабга борганини ўзи ҳам билмай қолди. Болалар:— Тоҳир пишиллоқ кел-япти, яна инсофга эниб, ошиқ ўйнашдан тавба қилибди шекилли,— дедилар. Шунда Зухраой болаларга қараб нима дейди:

Зинҳор кулувчи бўлманглар,
Гапни илгувчи бўлманглар!
Билармонлар кўп жаҳонда,
Ўзин билгувчи бўлманглар!

Кўпик бўлар сув юзида.
Гап юрар марднинг изида.
Бошин кўрсам бўш кадидай,
Баъзнинг ақли кўзида.

Олтин бетин парда олсин!
Бир неча назардан қолсин!
Билмаганлар тепиб ўтсин!
Билганлар қўйнига солсин!

Бу сўзлар Зухра газали:
Тоҳир йигитлар гўзали.
Бировга лақаб тақайбермас,
Ким бўлса сўзи мазали.

Бу сўзни Зухраой айтди. Болалар бир-бирларини туртишиб, индамай қолдилар. Ана шуйтиб, ойдан ой, йилдан йил ўтган сайин, Тоҳир билан Зухра бир-бирларига қўшимча муҳаббат орттира бердилар.

Кунлардан бир кун Гулҳовуз (бўйида) Тоҳир билан Зухра бир-бирларига дуч келиб қолдилар. Шунда бирини Зухра, бирини Тоҳир айтиб нима дейдилар:

Тоҳир

Эшик олди Гулҳовуз,
Гул термакка келдик биз,
Гулни баҳона қилиб,
Ўйнашмоққа келдик биз.

З у ҳ р а

Гулҳовувнинг толи бор,
Зухранинг жамоли бор.
Гулҳовувнинг сувига
Ювса кетмас холи бор.

Т о ҳ и р

Гулҳовузда гул терай,
Сувда аксинг бир кўрай.
Сенга берар молим йўқ.
«Бер», десаиғ жоним берай.

З у ҳ р а

Ишим йўқ молиғ билан,
Дардим бор ҳолинг билан.
Менинг дардим: ўзинг ҳам,
Лабдаги болиғ билан.

Т о ҳ и р

Отанг билса ўлдирар,
Душманимни кулдирар.
«Сенга кўнгиғ берди», дсб,
Юрак-бағрим тилдирар.

З у ҳ р а

Отам билса, Тоҳиржон,
Менга ҳам бермас омон.
Дам бу дамдир, ганимат,
Сенга қурбон Зухраҳон.

Т о ҳ и р

Тикани бор гулингни(иғ),
Узатолмам қўлимни.
Фақат гулин кўркига,
Бергим келар дилимни.

З у ҳ р а

Бергин менга қўлингни,
Берган бўлсанг дилингни.

Бергандан сўнг дилингни,
Ким қайтарар қўлингни.

Т о ҳ и р

Қўлгинангдан ушласам,
Дилгинамни хушласам.
Қани эди, Зуҳражон,
Берган олманг тишласам.

З у ҳ р а

Бергандан кай дилимни,
Ушлайбер-да қўлимни.
Сени дейман, Тоҳиржон,
Совурса-да кулимни,—

дейишиб, Тоҳир билан Зуҳра кўнгил олишиб, бир-бирларининг эғнига қўл солишиб, Гулҳовузга тушган сояларига боқишиб турардилар.

Бу ёқда Тоҳирнинг энаси «бу боласи тушмагур бир ҳодисани орттирмасин», деб Гулҳовузнинг деворидан онгниб келиб қараса, ...иш бошқача... Аллақачон Тоҳир билан Зуҳра топишиб қўйган экан. «Ҳа, мени шўр қисмаса, бу нимаси эди», деб Тоҳирнинг энаси астагина шобирини чиқармай орқасига қайтиб кетди. Бу ҳодисани ичига сифдиролмамай, ич ачир оғайниларига айтди. Ич ачир оғайнилари «бирдан совчиликка борсак, Қорахон подшоҳга бу гапни айтсак (қандай бўларкин)... Энди бу гапни аввалдан-охиригача подшоҳга тушунтириб айтиб, подшоҳнинг аввал-раъйини топадиган киши керак. Кейин совчи бўлиш, қалин тўплаб бериш бизнинг бўйнимизда», дедилар. Шунда Тоҳир энасининг фикри ичида, гам ютиб, ўйлаб, «Шу Узжанда подшоҳ сўзини ерда қолдирмайдиган икки одам бор: бири вазири—Қоработир, уни бўлса жинимдан ҳам ёмон кўраман. Яна бири юртнинг уламози — мулла Ҳаққул. Шу мулла Ҳаққулга бир дардимни ёриб кўрай» деб, мулла Ҳаққулнинг уйига келиб, қисинибгина нима дейди:

Мулла ака, келдим сизга,
Адашганин солинг изга.
Йўл йўқотган гумроҳ бизлар,
Йўл бошловчи бўлинг бизга.

Мен бир шикаста муштипар,
Кулба ичра умрим кечар.
Йўл кўрсатиб, йўлга солинг
Бизни, имкон бўлса агар.

Мулла Ҳаққул ака, сиздан,
Ҳар иш келар қўлингиздан.
Бир озгина карам қилиб,
Пича арза тингланг биздан:

Арзим шулдир, билинг, тақсир,
Йигит бўпти бизнинг Тоҳир.
Зухра билан қўл ушлашиб,
Юрганлиги бўлди зоҳир.

Гумроҳдирмиз, йўлга солинг,
Қалтис ишнинг олдин олинг:
Офат бўлиб келган селни,
Ғов бўлибон, бошқаролинг.

Бу гапларни айтнинг шоҳга,
Раҳм қилиб мендай моҳга.
Шу умидман келган эдим,
Мулла ака, бу даргоҳга.

Бу сўзни Тоҳирнинг внаси айтди. Шунда мулла Ҳаққул унинг мақсадига тушуниб, дувлаб кетиб, Тоҳирнинг внасига қараб нима дейди:

Нима дединг, эй дардисар,
Подшомизга тенгсан магар!
Ҳали айтдинг, яна айтма
Бу гапингни, ҳай баччагар!

Узинг бўлсанг қашшоқ, ғариб,
Шоҳга қандай бўлгунг қариб.
Уялмайин гапирасан,
Бўлмас гапга оғзинг бориб.

Шоҳлар тутарлар тиғини,
Маълумга санчар миғини¹.

¹ Мих.

Бу сўзларинг, бўлмагур сўз,
Ҳаргиз чиқарма бирини!¹

Қорахон билса ўлдирар
Мақсадинг шилтиғини.

Бу сўзларни мулла Ҳаққул айтди. Бечора Тоҳирнинг энаси ўз мақсадни, бир ақча учун тўғри йўлни эгри йўлга алмашиб кетаверадиган мулла Ҳаққулга айтиб қўйганига минг марта пушаймон бўлиб, ниши тошга теккандай давсасласи пир бўлиб қолди. Буни мулла Ҳаққулга билдирмади Фикри ичида бўлиб, ноумидгина уйига қайтиб кетди.

Энди мулла Ҳаққул нима қилади, денг... Мулла Ҳаққул бир неча шумликни ўйлаб, кўнглига жойлаб, Қорахоннинг олдига бориб: «Эй, подшоҳим, сизга арзим бор», деб подшоҳга қараб, мўйловини бураб, соқолини силаб, жўрт-тага йилаб², мулла Ҳаққул нима дейди:

Чалқайма бўп ҳар доим,
Ўзинг билдинг, султоним.
Шариатнинг ҳукмини,
Поймол қилдинг, султоним.

Малоиклар осмонда,
Тутумингдан фиронда;
Элнинг моли талонда,
Тавба қилгин, султоним!

Зуҳра қизинг жиймадинг³,
Парда ичра қўймадинг;
Эрка қилдинг, тиймадинг,
Инсофинг йўқ, султоним.

Қиз боланинг муллоси,
Худойимнинг балоси!
Яна борми чаласи
Ўқигани, султоним.

¹ Товушни.

² Йиглаб.

³ Йиғиб олмадинг маъносиди.

Зухра бўйга етибди,
Шипдай бўлиб кетибди;
Барча уят этибди.
Уқитмагин, султоним!

Қиз етишса ёшига,
Шайтон қўнар бошига,
Ҳар ким келар қошига.
Билиб қўйгин, султоним!

Сўлақмондай сўлтанглаб,
Думгазаси биланглаб,
Тоҳир билан селтанглаб,
Зухра ўйнар, султоним.

Қизинг давр сурибми,
Уни худой урибми,
Уқигани юрибми,
Ўйнагани, султоним.

Мулла Ҳаққул ростидан,
Сўзлади пайвастидан;
Тоҳир қизинг қастидан
Юрар экан, султоним.

— Эй подшоҳим, ҳали-ку қизингиз тоза йўлдан чиқмаса ҳам, шундай ҳолда мактабда юраверса, бугун бўлмаса эртага иши чатоқликка айланади. Энди тезроқ бу ишнинг олдини олиб, Зухрани биринчидан, мактабга юбормасангиз, иккинчидан, бир белгилироқ кишига берсангиз. Бизлар тўйни есак,— деди. Шунда бу маслаҳат подшоҳга маъқул тушиб, Зухрани мактабга юбормай қўйди.

Қорахон подшоҳнинг Тоҳирга қаҳри келган эди. Шу кўнглидаги ўт кун сайин аланга олиб, охири Тоҳирни сандиққа солиб, дарёга оқишмоқчи бўлди... Бу гап элга аён бўлиб қолди. «Қорахон Тоҳирни сандиққа солиб, дарёга оқишар эмиш. Шуйтиб, устага сандиқ йўндираётган эмиш», деб Зухра ҳам эшитди. Бечора Зухра зор-зор йиғлаб, элдан яширинча уста боланинг олдига бориб, уста болага ялиниб, нима дейди:

Уста ука, ишла чиндан;
Ёғочларин йўнгин тиндан.

Сандиқ қанча маҳкам бўлса,
Шунча олқиш олгунг мендан.

Егочини маҳкам ишла,
Шанглоги бўп сув кирмасин.
Бир гирдобга борганида,
Айлантириб, чўктирмасин.

Бидирмағи бўлиб тагин,
Тоҳиржонни тирнамасин.
Ранда билан сулув айла,
Анга лойқа ўрнамасин.

Агар Тоҳир шу сандиқда
Минг йил қолса намиқмасин.
Баландида тешик бўлсин
Тагин, яна димиқмасин.

Зор йиглайди мендай санам,
Санам бўлмай ўлай манам.
Тоҳиржондан жудо бўлиб,
Сўлар ўхшар гулдай танам,—

деб Зухраой уста болага қараб, зор-зор йиглади. Шунда уста бола Зухраойга:

— Э, опажон, хотирингиз жам, кўнглингиз тинч бўлсин! Тоҳир акамга сиз ўйлагандан ҳам яхшироқ қилиб сандиқ ясаепман,— деди.

Зухранинг кўнгли андак тинчигандай бўлиб, уйига қайтди. Ана шуйтиб, сандиқ тайёр бўлди. Шунда Қорахон нодшоҳнинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, Қоработи:рга буюрди. Тоҳирнинг қўл-оёғини боғлатиб, юрак, бағрини доғлатиб, пойи пиёда тоғдан ошириб, яланг оёқ, яланг бош ҳайдатиб, подшоҳ бир неча навкар ва бир неча амалдор, оқсоқоллари билан дарёга қараб, йўл тортиб кетавердилар. Тоҳирнинг энаси охи фигон уриб, пойи пиёда йўлга тушиб, Тоҳирнинг орқасидан югуриб, «дод, болам», деб зор-зор йиглаб нима дейди:

Тоза гул эмасмидинг,
Нега поймол қилдилар.
Мард ўгил эмасмидинг,
Нега беҳол қилдилар.

Эй огалар, огалар,
Тоҳиржонни тўхтатинг!
Мени боғланг ўрнига,
Жон боламни бўшатинг!

Не гуноҳи бор эди,
Эй худоё, эй худоё.
Қуриб кетгур, жувонмарг,
Сабаб бўлдинг, Зухраой.

Зухраойни демайман,
Куйганимдан айтаман.
Раҳм айланг ҳолимга,
Елғиз қолсам қайтаман?

Шафқати «зўр» Қорахон,
Отасини эсга ол.
Тоҳирдаги занжирни,
Карам қилиб менга сол.

Йиглайман ҳў-ҳўёна,
Тоҳир учун парвона.
Елғиз эди, ўлмасин,
Раҳм эт, шоҳи замона.

От ўрнини той боссин
Шу ёлғизим, қулуним,
Сарихондан нишона.

Шуйтиб, ҳўнграб, Тоҳирнинг энаси йиглаб бораётир... Бир палла Зухраой ҳам воқеадан хабар топиб: «Тоҳирнинг қайси дарёга ташласанглар, мени ҳам ўша дарёга ташланглар»,— деб зор югуриб бораётир... Эрлар, аёллар бу аҳволни кўриб, «во-ей, бу неси бўлди?» дейишиб, Тоҳир, Зухра ва Тоҳирнинг энасининг аҳволига ичи ачиб, ҳамма ўзини тўхтата олмай ҳўнграб, булар ҳам мазлумларнинг орқасидан селдай оқиб боравердилар. Одам, қиёмат бўлгандай изиллаб, шундай кўп бўлиб кетдики, ҳеч қўйинг. Шунда Қорахон Зухра қизининг ва Тоҳирнинг энасининг кўпчилик билан ҳўнграб келаётганликларини кўриб қолиб, ясавулларига: «Буларнинг адабини бериб қўйинглари!» деб буюрди. Шунда ясавуллар келиб, Зухрани

кейинга бир нтариб йиқитиб, Тоҳирнинг энасини бўлса бир тепиб юмалатиб ташлади. Бечоранинг кўкиш сочлари кўқиб, ялангбосш ўлиб, думалаб қолди. Буни кўрган халқ агар иложини топса, Қорахонни ясавуллари билан титпитини чиқариб ташлагилари келиб, гижиниб: «Қонхўр, золим, бу бечораларга нима дейсан. Тоҳирга азоб берганинг озлик қилдими»,— деб ёпирилган эди. Подшоҳ бир оз ҳовуридан тушиб, ясавулларини қайтариб олди. Шуйтиб, Зухраой билан Тоҳирнинг энасини эргашиб келаётганини Қорахон билса ҳам билмасликка, кўрса ҳам кўрмасликка солиб кетаверибди. Одамлар Зухра билан Тоҳирнинг энасини ўз уловларига миндириб, Қорахон ва ясавуллари Тоҳирни ҳайдаб бораётган ёққа булар ҳам қорамақора кетаверибдилар. Бу хабарни эштиб, гижиниб, мана дарада ҳам одам бораётир, ана дарада ҳам. Шуйтиб, тоғдан-тоққа ошдилар, иеча бор водийга тушдилар. Охири дарёнинг лабига етиб келдилар. Дарё лаби қиёмат бўлгандай гижиллаб, алақачоноқ шундай одам тутиб кетибдики, мўри малахни санаб бўлади, лекин одамни санаб бўлмайди. Шунда Қорахон подшоҳнинг қаҳри келган, илондай заҳри келган. Олдида Қоработир билан мулла Ҳаққул, ўнг ёгида қирқта миргазаб, чап ёгида қирқ жаллод, қизил шим кийиб, енгсиз қизил сарбози кўйлак кийиб, одамларни орқага суриб турган навкарлар. Ана шунда Қорахон подшоҳ зўрлигини элга кўрсатиб, Тоҳирни дарёга ташламакнинг тараддусини қилаверди. Шунда, пачақ бўлиб, томоғига тош тикилиб ўлгур Қорахон буюриб, Тоҳирнинг энасини алдаб, ичкарасига чақириб олиб, кўзини боғлатиб, багрини доғлатиб, оғзига пона қоқтириб, кўксини ёқтириб, бир хилват томчага қаматиб қўйди.

Зухраой судралиб, дарёнинг лабига етди. Ясавулларнинг «Тоҳирни дарёга ташлаймиз», дейишиб, сандиққа солаётганини кўриб қолиб, зор-зор йиғлаб, ясавулларга боқиб, кўзининг ёши оқиб, эланиб, эмраниб, «оғалар, укалар», деб Зухраой нима дейди:

Муштипарман, кўзимни
Ешламанглар, оғалар
Тоҳиржонни дарёга
Ташламанглар, оғалар.

Тоҳиржоннинг ўрнига
Мен ўлайин, оғалар;

Шу дарёга ғарқ бўлиб,
Йўқ бўлайин, оғалар.

Тоҳир ёлғиз оқмасин
Сув бетинда, оғалар.
Мен ҳам ҳамроҳ бўлайин
Қабатинда, оғалар.

Тоқиржоннинг йўлига
Жоним қурбон, оғалар.
Мен ҳам оқиб ёнида,
Бўлай равон, оғалар.

Бахтсиз кўзим Тоҳирга
Қандай боқсин, оғалар.
Хайжар суқинг кўзимга,
Қонлар оқсин, оғалар.

Сувга ташланг танамни,
Сандиқ боссин, оғалар.—
Сидиргилаб кўзимни,
Михи тешсин, оғалар!

Нарёқ туринг, Тоҳирни
Кўриб қолай, оғалар.
Энг охириги саломим
Бериб қолай, оғалар.

Шунда иавкар, миргазаб, жаллод, саллотлар Зухра-
нинг фигонига қулоқ ҳам солмай, Тоҳирни сандиққа солиб,
сандиқнинг қопқогини беркитиб, дарёга чўлп этгизиб таш-
лаб юбордилар. Сандиқни ташлаган чилбир чибатилиб,
чўзилиб қолди. Зухра буни кўриб, «чилбирнинг учидан
ушлаб оламан», деб югура кетди. Шунда сандиқнинг ичи-
да туриб Зухрага Тоҳир нима дейди:

Дам ганимат, ҳатлаб қол,
Чилбир учин ушлаб қол.
Соғинганда эсларсан,
Қорам ўчмай тиклаб қол!

Сув келади бир талай,
Баидаман, қандай қилай.

Сендан ўзга ёр десам,
Мақсадга етмай ўлай!

Сув келар тинибгина,
Ётнбман жимибгина.
Нима қилай, жонгинам,
Кўз ёшим томибгина.

Сув келар паға-паға,
Бошингда (олтин) жиға.
Омон бўл, оқиб кетдим,
Кўз ёшим ога-ога¹.

Сув келади бенўхта,
Сандигим текис тахта.
Сендан ўзга ёр қилсам
Қон ютай лахта-лахта².

Сув келар ойнадайин,
Сайрайман майнадайин.
Сендан ўзга ёр десам,
Кўр бўлиб, қийналайин!—

дсб. Тоҳир сувнинг бетида сандиқда оқиб кетаверди. Зухраон сандиққа етолмай, бечора тўлиб-тошиб, Тоҳирнинг орқасидан қичқириб, нима дейди:

Сув келар гумбур-гумбур,
Суйганим қизил гулдир.
Севганимга бермаса,
Ўлганим шу бугундир.

Сув келар кўпикланиб,
Тоғу тошдан хокланиб,
Эсга тушсанг, Тоҳиржон,
Йинглай икки букланиб.

Сув ўтар елиб-елиб,
Етолмасам нетайин.
Орамиз узоқлашар,
Тутолмасам нетайин.

¹ Оқа-оқа.

² Қўлэзмада лўқта-лўқта.

Бу отамнинг жафоси,
Жабри бўлса нетайин.
Навкарлари йўлимни
Тўсиб қолса нетайин.

Сув борар оқа-оқа,
Қайрилиб қайтмай боққа.
Мен бўлдим жудо сендан;
Топширдим ўзинг ҳаққа!

Ана энди Тоҳир солиingan сандиқ сувда жимиб, узоқ-лаб оқиб кетди. Излаган қайси, бўзлаган қайси, увлaган қайси, чувлаган қайси; қиёмат шу дарёнинг лабида бўлиб, ҳар ким ҳар ёққа тарқалиб кетди. Лекин, шундан кейин ҳеч ким Тоҳирнинг энасини кўрмади. Асли Тоҳирнинг энаси бечора оғзига пона қоқилгандан кейин ўлиб қолиб, уни Қорахон подшоҳнинг навкарлари аллақачон гумдон қилиб ташлаган эдилар.

Зухраойни подшоҳнинг одамлари уриб, сўкиб олиб қайтиб кетдилар. Тоҳир бўлса дарёда пастга қараб оқиб кетаверди.

•
Сув келар тарам-тарам,
Инжудай тиниб бирам.
Зухраойнинг сочидай
Гажаклари бурам-бурам.

Сув келар тўлиб, чалқиб,
Бетида ойи болқиб.
Тоҳир тушган сандиги.
Лапиллаб борар қалқиб.

Ер алами бир ёқдан,
Ўзин гами бир ёқдан.
Сув қўйнида банд бўлса,
Хуррам бўлсин қаёқдан.

Кеча ўтиб, тонг отди,
Кувеш чиқиб, ой ботди.
Турли-туман эрмакман
Тоҳир ўзин юпатди.

Не бўларин билмайди,
Гоҳ ўзига келмайди.
Ериғлиққа чиқишга,
Кўнгли бовар қилмайди.

Сув қайтмайди ортига,
Ҳар ким ўзин дардига¹.
Оқа-оқа Тоҳиржон,
Борди Урганч юртига.

Урганч юртида Рустамхон деган подшоҳ бор эди. Рустамхоннинг икки қизи бўлиб, каттасини Гулоўша, кичигини Гулҳадича дер эди. Иккави ҳам шипдай бўлиб, бўйига етиб қолган эди. Рустамхон ёз кунлари дарё лабидаги кўшикка кўчиб келиб, бунда олти ой туриб, тирамада яна Урганчга қайтиб кўчиб кетар эди. Кунлардан бир кун Гулоўша билан Гулҳадича дарёнинг лабида томоша қилиб ўтиришса, сувнинг бетида бир сандиқнинг липллаб оқиб келаётганини кўриб қолишди. Шунда қизлар: «Сандиқни ким аввал ушлаб олса, сандиқ ўшаники бўлади»,— дейишиб, қўли билан сувнинг бетини чалпотишиб, ҳар қайсиси ўз олдларига қаратиб сувни қарпишдилар. Сандиқ секин силжиб, Гулҳадичага яқинлашди. Аммо сандиқнинг оғирлигидан Гулҳадича уни тортиб ололмади. У Гулоўшани ёрдамга чақирди. Икковлашиб сандиқни дарёнинг лабига чиқариб олишди. Ундан кейин иккави «сандиқни мен оламан, мен оламан» дейишиб, талашиб қолдилар. Худди шу вақтда Рустамхон подшоҳ навкарлари билан дарёнинг лабига келиб қолди. Қараса, икки қизи бир сандиқни талашиб турибди. Шунда Рустамхон қизларни яраштириб:

— Майли, сандиқ Гулоўшаники, сандиқнинг ичидаги нарса нима бўлса Гулҳадичаники бўла қолсин,— деди.

Бу маслаҳатга қизлар рози бўлишиб, сандиқни очиб кўришса, ичида бир суқсурдай ўғлон ётибди. Подшоҳликнинг расми қурсин, «тенги топилмаса бермайман», деб икки қизининг ҳам ёши ошиб, сийқардай бўлиб, «ҳеч бўлмаса бир ўтинчи бобой бўлса ҳам бизларни берса...» деб, сандиқдан топилган ўғлонни ҳар бири уят, пуятдан кечиб, «мен оламан, мен оламан», деб талашиб қолдилар. Рустамхон қизларига:

— Аввалги келншув ҳисоб, сандиқ Гулоўшаники, йи-

¹ Дардида.

гит Гулхадичаники бўлди.— деб, дарҳол тўй эълон қилиб юборди. Аммо Тоҳир қанча одамлар сўз сўрагани билан бир оғиз ҳам гапирмади. Рустамхон Тоҳирни гунг ҳисоблаб Гулхадичага ҳийлаи шаръий никоҳ қилдириб, Гулхадича ва куёви Тоҳир учун бир ҳовли ажратиб берди. Тоҳир дим индамаса ҳам Гулхадича Тоҳирни жуда яхши кўриб қолиб, Урганчда уни гапиртира оладиган табиб, дуоқаш, арбовчи¹— жодугар бўлса келтириб қаратаверди.

Тоҳир бўлса Зухрани ўйлаб, Гулхадичага ҳеч гапирмай юраверди.

Узжанда мулла Ҳаққул совчи бўлиб, Зухрани Қоработирга битириб, борди-келди, фотиҳа тўйларини ўтказаверди. Шунда Зухра бечора оёғи куйган товукдай типирчилаб, нима қиларини билмай, охири бир сирдош дугонасидан тайинлаб, бир лаъли тиллани карвон саройга бериб юборди. Зухранинг дугонаси тиллани олиб, карвон саройга бориб, ҳар тарафга кетаётган карвонларга бир қўш ҳорвуддан тарқатиб: «Тоҳир қайси юртда бўлса, Зухранинг олдияга келсин! Яқинда Зухрага никоҳ тўй бўлади. Илож бўлса шундан олдин келиб Зухра билан гаплашсин! Зухра Тоҳирни кўрмакка жуда интиқ»— деб, тайинлаб юбораверди. Шуйтиб, «Тоҳирни ахтарувчилар ҳар бир шаҳарда бор», деса ёлгон бўлмай қолди. Бир тўда карвоннинг гузари Урганч юртига ҳам тушиб қолиб, кўча-кўйларда нима деб бораётир:

Тол терак қатормикан,
Нариёғи гулзормикан.
Гулзорлар орасида,
Тоҳир деган бормикан?

Кўча кезган карвонман,
Карвонларга сарбонман.
«Тоҳир деган борми» деб,
Излаб-излаб, ҳайронман.

Куйган қуллар «во» десин,
Дарди бир тало, десин!
Тоҳиржонни излайман,
Қайда бўлса «ҳо» десин!

¹ Аврайдэган.

Дум урар дамбир-думбур,
Чор атроф қивил гулам.
Тоҳиржонии ивлайман;
Айтиглар, ўзи кимдир!

Бир палла Тоҳир қулоқ солса, ўзининг исмини қўшиб,
бировлар қўшиқ қилиб айтиб ўтаётир. Бирдан Тоҳирнинг
ичи шувиллаб кетиб, томининг кўчага қараган дарчаси-
дан қараб, зор-зор йиглаб нима дейди:

Терак, тол қатор-қатер,
Бу ёғи гулу гулзор.
Гулу гулзор ичинда,
Мен йиглайман зор-зор.

Қўшиқчи карвон ака,
Карвонга сарбон ака,
Тоҳир деган ким ўзи,
Хабар беринг, жон ака!

Куйган қуллар «во» деса,
Дарди бир бало деса,
Тоҳир деган йиғитин
Танийсизми, «ҳо» деса.

Карвонларнинг бошлиғи Тоҳирнинг бу сўзидан «шу
йиғит магар Тоҳир бўлмаса...» деб Тоҳирга қараб, мўйло-
вини бураб, нима дейди:

Тоҳир деган сизмисиз,
Нишона кўзлармисиз.
Зухрадан хабар келса,
Учқулаб борармисиз.

Бизни «ким» деб сўрасанг,
Урганчининг жарчиси.
Асли Узжан юртидан,
Зухранинг хабарчиси.

Зухраой кўзи йўлда,
Тоҳирни топниг, дейди.
Топган жойда мен учун,
Кўзларин ўпниг, дейди.

Атрофинг гулу гулзор,
Кимгадир хаёлинг зор.
Хар бир босган изишга,
Зудраингга-интизор.

Карвонбоши бу сўзларни айтди. Тоҳир чошиб, ташча-
рига отилиб чиқиб, карвонбошикинг оёғидан тавоф қилиб,
«кажон, мени ё Узжанга олиб кет, ё шу ерда ўлдириб
кет», деб зор-зор йиглаб, нима дейди:

Ерга элтгин мени,
Диадорга элтгин мени!
Уз қўлингман ўлдириб,
Е кўмиб кетгин мени!

Зудра ёрим бўлмаса,
Менга гулзорлар тиком.
Бу тиконзорда нетай,
Жононга элтгин мени.

Шаҳри Узжандан бу ёққа
Келганинг, карвон ака,
Худди яна қайтадан,
Отамнинг тирилгандай
Дийдор учун бўлмай гадой.
Васл учун бўлсам гадой,
Холимга денглар «вой-вой».
Бу узоқда ўлмайин,
Гулёрга элтгин мени!

Бўлмаса ўлдир ўзинг,
Янчиб этигинг остида!
Улмагим, албатта яхши,
Шаҳрдошим дастида,
Найлайин бўлдим мусофир,
Кўкрагим гам босди-да,
Бирга ўйнаб, ваъдалашган
Ерга элтгин мени!—

деб, Тоҳир карвонга ялиниб, жуда ҳам қаттиқ йиглади.
Даричадан қараб, бу воқеаларни кўриб, Гулхадича То-
ҳирни гунг деб юрганлигига лол бўлиб, Тоҳирни об қўй-
гудай бўлиб турар эди.

Шунда карвонбоши Тоҳирга:

— Эй ука, агар шу ерда уйланган бўлсанг, қолавер. Зухрани Қоработирга берган. Яқинда тўй қилиб, уйига тушириб олади. Борганинг билан бекорга ҳалак бўласан. Ундан кўра, шу ерда яхшими, ёмонми, худо лозим кўрган ёринг билан ношукурлик қилмай, яшайверсанг бўлмайди-ми. Мен сенга фақат Зухранинг қарз саломини келтирдим,— деса ҳам қўймади.

— Майли, бўлмаса номардлик қилма! Бориб худо қўшган ёстиқдошингдан ижоват олиб кел! Унгача мен шу ерда турай,— деди. Шунда Тоҳир ҳовлисига чопиб кириб, Гулҳадичага қараб, зор-зор йиглаб нима дейди:

Рустамхоннинг гўзал қиви,
Энди менга жавоб бергин.
На қиларман қийнаб сиззи!¹
Энди менга жавоб бергин.

Зухра отлиқ ёрим бордир,
Энди менга жавоб бергин.
Мен бир жинни ҳоли забун,
Ҳамдам бўлдик беш-олти кун,
Қошинг қия, сочинг узун,
Энди менга жавоб бергин.

Урганчида ўзинг гўвал,
Айтолмадим сенга гавал.
Ҳа, шу экан тақдир азал,
Энди менга жавоб бергин.

Кўрдим келиб элларингни,
Ушламадим қўлларингни,
Искамадим гулларингни,
Энди менга жавоб бергин.

Ешга тўла Тоҳир кўзи,
Мусофирдир бунда ўзи.
Эй, ҳурматли шоҳнинг қизи,
Энди менга жавоб бергин.

¹ Сязи.

Қурбон қилай ширин жонни,
Кезиб ўтай биёбонни;
Бориб кўрай Зухражонни,
Энди менга жавоб бергин.

Шунда Гулхадича рашк қилиб, Тоҳирга нима дейди:

Дарё суви сузукмиди,
Ўнг қўлимда узукмиди.
Зухраойнинг син-сумбати,
Сумбатимдан тузукмиди.

Шунда Тоҳир нима дейди:

Гўзалларнинг гўзалисан,
Урганчининг ғазалисан.
Барча қиздан мазалисан,
Энди менга жавоб бергин.

Жамолингдир мисли Зухра,
Ярашибсан Урганч шаҳра.
Шоҳ қизисан, олмам баҳра,
Энди менга жавоб бергин.

Мусофирман, дилим тордир,
Бир бахтли ул сенга ёрдир.
Зухра билан ваъдам бордир,
Энди менга жавоб бергин.

Кўнглим жўшар дарёдайин,
Ошиқликнинг дарди қийин,
Гулхадича, энди сени,
Қиёматлик сингил дейин,
Энди менга жавоб бергин,—

деб, Тоҳир Гулхадича билан омонлаша солиб, даричадан иргиб кўчага чиқиб кетди.

Гулхадича бу воқеаларнинг тушида бўлаётганини ҳам, ўнгида бўлаётганини ҳам билмай, лол бўлиб қолаверди.

Тоҳир қарвонбошининг туясига мингашиб, Урганчдан чиқиб кетди. Қарвонлар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, йўл уч ёққа айрилган бир ерга келиб қолдилар. Йўлнинг бошида бир катта кўк тошга: «Чапга юрса — бор-

са келмас йўл. Уртага зорса — даргумон. Унга юрса — борса келар йўл», деб ёзиб қўйилган экан. Ана шунда Тоҳир «чапга қараб кетган йўлга солинг, зора Узжанга тезроқ етсак», деб карвонбошидан илтимос қилиб, нима дейди:

Эй ҳурматли карвонбоши,
«Борса келмас» йўлга солинг!
Тезроқ етай ўз юртимга,
Ғарибдирман, дуом олинг!

Шу чап йўлни бир таваккал
Қилиб, эхтиёр ватайлик.
Бориб, келмасак-келмайлик,
Шаҳри Узжанга етайик.

Оралиги чўл бўлса ҳам,
Тоғу денгиз, кўл бўлса ҳам,
Обод ўлка эл бўлса ҳам,
Тўғрилаб қирқиб ўтайик.

Шунда карвонбошига ҳам Тоҳирнинг сўзи маъқул тушиб, борса келмас йўлга тушиб, равона бўлдилар. Чўли биёбонга тушиб, бир неча кун юрганларидан кейин, сувлари адо бўлиб, қолдан кетиб, лаблари гезариб, барчалари жуда овора, сарғардон бўлиб, юрдилар. Шунда бир тўда ўтрилар келиб, карвонларни боғлаб олдларига солиб, дайдаб, туяларни ўлжа қилиб, Тоҳирни ҳам карвонлар билан элтиб, бир чуқур тўлага¹ қамаб қўйдилар. Шунда йиғлаб Тоҳир нима дейди:

Бу чўллардан нетайик,
Хатарлардан ўтайик,
Зудраойга етайик,
Жавоб беринг, жон беқлар.

Ошиқман, дилим вора,
Ҳалок бўлмай жибора,
Тезрак етайинг ёра,
Жавоб беринг, жон беқлар.

¹ Ерчўла.

Узжан ҳали йироқда,
Биз бу ерда тувоқда.
Азоб берманг қийноқда,
Жавоб беринг, жон беклар.

Қиронлардан дўнамиз,
Манзил топиб қўнамиз,
На бўлса ҳам гуномиз¹,
Жавоб беринг, жон беклар.

Тоҳир борар ёрига,
Узжандай дитрига,
Қулоқ солинг зорига,
Жавоб беринг, жон беклар.

Асли бу қўлда ўғриларнинг подшоҳи турар эди. Кимки шу «борса келмас» йўлига тушса, шу ўғриларга банди бўлмай илоҳи йўқ эди. Тоҳир билан бирга мактабда ўқиган бир муллавачча ҳам фалакнинг гардиши билан шу ерларга келиб қолиб, ўғрилар подшоҳининг бола-чақасини ўқитар эди. Ана шу муллавачча Тоҳирни овозидан таниб, ўғрилар подшоҳининг олдига келиб:

— Шоҳим, бу қамоқдагилардан бирови менга таниш; бир ошиқни бечора... Шуйтиб, яна қўшимча куйдирмай, шу бечорани қошидаги одамлари билан жавоб бериб юборсанг... Теароқ ўз мақсадига етса...— деб, илтимос қилган эди, ўғриларнинг подшоҳи:

— Майли ундай бўлса,— деб, Тоҳирнинг баракатидан барча қарвонларнинг молларини ҳам ўзларига қайтариб бериб юборди. Шуйтиб, ўғрилардан қутулиб, Тоҳир қарвонлар билан йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб; бир неча кунлардан кейин Узжан юртига доқим бўлиб, «внди мени ўз ҳолимга қўйинглар», деб, Тоҳир қарвонларга қараб нима дейди:

Эй қарвонлар, қарвонлар,
Йўлдошлар, қадрдонлар,
Шукрўжи келиб кўрдик,
Ана боғи райҳонлар.

Бедоналар, бўлбулалар,
Гул қўйинида яшабди.

¹ Гуноҳимиз.

Боққа худо пистоқи,
Қизғиш гилам тўшабди.

Яёв юрай шаҳримда,
Баҳри дилим очилсин.
Зухраойнинг йўлига,
Кўзим ёши сочилсин.

Сизлар қилган яхшилик,
Чиқмайди хаёлимдан.
Энди хабар олай-чи,
Бунда қолган гулимдан.—

деб, Тоҳир туядан тушиб, карвонлар билан хайр-маъзур айтишиб, «оқ туя кўрдингми — йўқ» дейишиб, карвонлар бошқа кўчага юриб кетишди. Тоҳир бир ўзи тун оққан паллада Зухранинг кўшки остига келиб, Зухраойни чақириб, нима дейди:

{ Зухра, хушторим деб келдим,
Гули гулворим деб келдим,
Номусим, орим деб келдим,
Мен сени ёрим деб келдим.

Раҳм айлаб келгин бу зора,
Куйиб юрак, бўлди пора;
Йўлингда бўлдим овора,
Мен сени ёрим деб келдим.

Ошиб тушдим қанча белдан,
Сўз қуюлар куйган тилдан.
Кўйинг излаб Урганч элдан,
Мен сени ёрим деб келдим.

Зор-зор йиғлаб, бағрим доғлаб,
Ваъдаларни маҳкам сақлаб,
Узув сочинг дилим боғлаб,
Мен сени ёрим деб келдим.

Кўркамангинг мисоли сув,
Сочинг сумбул, ювинг кўзгу,
Қошинг ханжар, кўзинг жоду,
Мен сени ёрим деб келдим.

Чўлдан-чўлга елиб-юртиб,
Кундан-кунга ишқинг ортиб,
Гажак зулфинг бунда тортиб,
Мен сени ёрим деб келдим.

Нигорондир Тоҳир кўзи,
Саргайди заъфардай юзи.
Боққа чиққин, шоҳнинг қизи,
Мен сени ёрим деб келдим.

Бу сўзни Тоҳир айтди. Зухра уйқусининг орасида гаваал ўқиётган йигит Тоҳир эканини англаб, боққа югуриб чиқиб қараса, боғда Тоҳир писиниб турибди. Шунда Зухраой гулдай ёниб, саллониб, Тоҳирнинг васлига қониб, Тоҳир ҳам Зухранинг васлига қониб, боғда бир-бирлари билан топишиб, қучоқлашиб, ўпишиб, оқшом билан иккови дўстлашиб, боғда юрди. Бир палла Зухраой тоғнинг нариги ёғидан тонг сизот бериб келаётганини кўриб қолиб, афсусланиб, нима дейди:

Ёр билан ётган кеча тонг отмаса,
Чиқмаса ҳаргиз қуёш, ой ботмаса.
Эй кеча, сен бунча қисқа бўлмасанг,
Не бўлур пардангни биздан олмасанг.

Бу кеча ойдан яшин гул сояси,
Гулни(нг) Тоҳир иккимиз ҳамсояси.
Сайрамай турсанг-чи, булбул, бир нафас,
Сайрасанг ҳам айла овозингни пас(т)!

Тонг отиб, Тоҳирни душман кўрмасин,
Бир ёмон жонига озор бермасин,—

дегани билан бўладими. Тонг аста-секин оқариб келаворди. Охири, Зухра бошқа ҳеч қандай илож топмай, Тоҳирни кўйлагининг ичига яшириб, қўшнига кириб, кейин Тоҳирни бир панароқ жойга яширмоқчи бўлди. Чунки бу дийла ҳозир жуда осон эди, ҳозир Зухра келинчак кийимида. Қирқ кунлик тўйи охирлаб, бугун-эрта Қоработирга узатиладиган кун. Зухра ерга судралиб кетган оқ кўйлак, одам ройиш сиққудай, каштали енг, катта ёпинчоқ рўмолга ўралиб олган. Шуйтиб, Зухра Тоҳирни кўйлагининг ичига яшириб, куппа-кундуз бўлиб қолса ҳам, кўшкига қа-

раб келаверди. Узи ҳам ошиқ билан маъшуққа келишган буй ана шу дамда керак бўлар экан-да... Туйда юрган одамлар қараса, Зухра жуда энли эмиш. «Подшоҳнинг қизи шундай энли бўлар экан-да», дейишиб, «қўли иккита эмас, тўртта, оёғи ҳам тўртта экан. Подшоҳнинг қизи шундай бўлар экан-да», дейишиб, яна сер солишса буйинининг орқаси дўнг экан. Бировлар қараб: «Тавба, подшоҳ қизининг ўрқачи бўлар экан-да», дейишиб, ҳамма ҳайрон қолиб, томоша қилар эдилар.

Қоработирнинг пойгадан жой тегмас, тўрдан чой тегмас бир Ертибой оқсоқол деган чопари бўларди; кўп муғамбир баччагар эди. Ана шу Ертибой оқсоқол Қоработирга лабар бериб, «Тоҳир қайтиб келибди», деб нима дейди:

Ишлар қабоҳат бўлибди,
Сарқовузлар чайқалибди,
Атрофинг душман олибди,
Гофил қопсан, Қоработир!

Тоҳирбек қайтиб келибди,
Кўрсатмасанг тез кучингни,
Ғаним жойлагай шчингни,
Тоҳирбек Зухра олдида,
Тезроқ олгин ўчингни!

Тоҳир кепти ҳаддан ошиб,
Семинг ёрингга ёнашиб,
Роҳна расо кундуз куми,
Зухрага юрур тармашиб.

Зухра шумлики оширмиш,
Одам ақлини шоширмиш,
Тоҳирбекни шуйтиб ёрмиг,
Кўйлак остига яширмиш.

Бу сўзин айтар Ертибой:
Буида бўлмангиз бешарвой!
Зухра ёринг қочиб кетса,
Ушдан кейин ҳолингга вой.

Шунда Қоработир бу сўзин Ертибойдан эшитиб:

— Эй ақмоқ, оғзингни ёп! Тур, бориб ўринингни қоп! —

деб, баланддан-пастдан сўйлаб, кўп шумаликларни ўйлаб,
дарров Қорахон подшоҳга бориб:

— Эй шоҳим, шаллақи қизингни тий, ё бўламаса менъ
куёв қилмай қўяқол! Қизингнинг дарвозадан кириб келди-
шига қара! «Нега бундай йўроқсан», деб ўвидан сўра!
деб оғвидан олов отилиб турди. Қорахон ҳам Қоғоботир-
нинг сўвидан, бақрайган кўвидан, безрайган ювидан бир
ёмонлик аломати ўқиб, даричага бошини суқиб, дарвоза
томонга боқса, Зухраой олдинга қараб, қаққайиб жўриб
келаётир. Тоҳир Зухраойнинг орқасига ёпишиб, калласи-
ни Зухраойнинг рўмоли тагига яшириб келаётир.

Қорахон Зухраойнинг бошқача бўлиб келаётганини кў-
риб, қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, дарров мирғазаб,
жаллод, саллотларига буюриб, Зухраойни текширттириб
кўрди.— Мирғазаб деган одамда раҳм деган нарсадан
асар борми?! Дарров Зухраойни титкилаб, шармандаш
шармисор қилиб, Тоҳирни тутиб боғлаб, подшоҳ Қора-
хоннинг олдинга олиб борди. Шунда Қорахон подшоҳнинг
ҳар мурти шопдай, оғви кўҳна қопдай бўлиб, Тоҳирга ра-
ваб билан қараб: «Эй, номард Тоҳир, айт: сени нтга ти-
райинми, арслонга. Дорга остирайинми, эиндонга?» деб
сўраб нима дейди:

Тул боласи, номард ўғлон,
Дор керакми, ё сенга жон?
Зухра дема, солай эиндон,
Қайсисини хоҳласанг, айтгин!

Қорахон подшоҳдан бу сўзни эшитиб, Тоҳиржон нима
дейди:

Шоҳим, номард бўлган бўлсам,
Элга қайтиб келган бўлсам,
Гул богингга кирган бўлсам,
Улдирса, боғбон ўлдирсин!

Тоғу чўлда юрган бўлсам,
Ишқ жафосин кўрган бўлсам,
Гул богингга кирган бўлсам,
Улдирса, боғбон ўлдирсин!

Асир бўлдим илгингга боз,
Энди зогман, аввал шаҳбоз,

Богбон вкан шу қиморбоз,
Улдирса, богбон ўлдирсин!

Қоработир экан полвон,
Кўксимга урса на армон!
Зухра гулга шуми богбон.
Улдирса, богбон ўлдирсин!

Ер йўлида фидо қоним,
Номин айтиб, чиқсин жоним!
Мен розиман. Қорахоним,
Улдирса, богбон ўлдирсин!

Шунда Қорахон подшоҳ:

— Вой-бў, бунинг даъвоси тошни ёради-ку. Майли, бу номард, ўғри, етимнинг ҳам айтгани бўлсин! Қоработир, сен ўзинг буни кўзимнинг олдида бўғизлаб, дорга осл Бу бошқаларга ҳам ибрат бўлсин! Бундан кейин ҳеч ким подшоҳларнинг ҳарамига ҳаром қўлини чўзмайдиган бўлсин!— деди.

Шунда Қоработир:

— Хўп, шоҳим,— деб, ўрнидан иргиб туриб, боғлиқ турган Тоҳирнинг бошини бирдан кесиб олмоқчи бўлди. Аммо шунда Тоҳир:

— Тўхтанг! Бир оғиз гапим бор; мен айтай, кейин ўлдир!— деди. Қорахон Тоҳирга:

— Гапир, гапирадиганингни тезроқ!— деди. Шунда Тоҳир подшоҳга қараб:

— Эй шоҳим, мени номард дединг. Мен эмас, ўз вадасида турмаган сен номард! Мана бу қиморбозинг. Ет энди, қонхўр ит, муродинга. Мана, Тоҳирбекнинг боши ёр уйига думалар...— деб калласини тутди. Қорахон галжираб қолди ва Қоработир муттаҳамнинг қўли қалтираб қолди. Шуйтнб, Тоҳир боёқишнинг бошини танасидан олди. Жаллодлар кўрсатиш учун Тоҳирнинг танасини кўшкнинг дарвозасига осиб қўйдилар. Зухра бўлса, аллақачон ўзини билмай қолган эди. Аммо Тоҳирнинг биттагина холаси бор эди. Шу бечора мана, дод айлаб, подшоҳга қараб нима дейди:

Бу деган шоҳ, шоҳмикан,
Ёки бир баломикан.
Гулдайгина ёшларни
Жувонмарг қилармикан.

Тошлардан ҳам тошмикан,
Бошлари ҳам бошмикан.
Мен йигламай, ким йиглар,
Кўзгинам қон ёшмикан.

Дарёси — дарёмикан,
Шоҳи бир баломикан.
Шоҳ эмас, одам эмас,
Бу бир аждаҳомикан.

Ҳавоси — ҳавомикан,
Тўнтарилиб оқармикан.
Қиз қолиб, йигит ўлмак,
Шаҳрида равомикан.

Шаҳрида бўлса раво,
Аҳмоқсан асли подшо!
Мулла Ҳаққулнинг гаплари,
Майнанг¹ чиритган мутлақо.

Бу сўви Тоҳирнинг холаси айтди. Айни шу палла жаллоднинг биттаси бу момони ҳам ерга бир уриб шалпайтирди. Шунда Зухра ўзига келиб, нима дейди:

Отажон, золим бўлдинг,
Менга тегди касири,
Энди сени куйдирар,
Кўксим ўтин таъсири.

Кўздан кечган бирма-бир,
Қатор замон эмасми.
Шу қилмишинг, отажон,
Жуда ёмон эмасми?!

Менга қилдинг зулмин,
Раво кўрдинг ўлимни,
Уздинг кўкрак гулимни;
Кўз ёшим қон эмасми?!

Бари бир мен ўламан,
Ерга пайваст бўламан.

¹ Миянг.

Қоработыр итинга,
Тегиб нима қиламас.

Жаллод олсин жонимни,
Равон этсин қонимни.
Фақат эатиб Тоҳирга,
Топширсин имонимни.

Тиг бер, дарров қўлимга,
Ичим титиб ташлайин.
Тоҳиржоннинг устига,
Бориб ўзим ташлайин!

Зухраой шуйтиб, това ўлим телбаси бўлиб қолди. Қоракон подшоҳ дарров Тоҳирни қабристонга кўмдириб, бир мастон кампирга пича пул бериб, нима бўлса ҳам Зухрани алдашни буюрди. Мастон кампир Тоҳирнинг қони тўкилган тупроқдан лой қилиб бир одамча ясаб, Зухрага:

— Мана шуни қирқ кечаю, қирқ кундуз ҳеч ором олмасдан ва ерга қўймасдан кўтариб юрсанг, Тоҳир бўлиб тирилади. Муроднингга етасан,— деб алдади. Подшоҳ ва кампирнинг кўнглида «Зухра қирқ кун шу аъволда юрса, кейин Тоҳирдан кўнгли совийди», деган эди.

Зухраой мастон кампирдан лой одамчани олиб, Мастон кампирнинг айтганича, одамчани тоза пахтага ўраб, пахтанинг устидан бир неча қабат бўз, бўзнинг устидан шол, шолнинг устидан кўрпани ўраб, кўрпани чилбир биллап маҳкамлаб чатиб, «Тоҳир учун қирқ кунлик машаққат ҳеч гап эмас», деб Зухраой қирқ кечаю кундуз шунча нарсанга ўралган лой одамчани, ҳеч ором олмай, ўтирмай, қаттиқ ихлос ва умид билан кўтариб юрди. Шу орада Зухраой чўпдай қотиб, озиб-тўзиб қолди. Орадан ўттиз тўққиз кечаю, ўттиз тўққиз кундуз ўтиб, Зухраой бир ариқнинг лабига етиб борса, мастон кампир момоси бир қора кигизни сувга ювиб ўтирибди. Шунда Зухраой:

— Ҳа, мома, бу кигизни ювиб нима қиласиз,— деса, Мастон кампир момоси:

— Қизим, ювиб оқ қилиб оламан,— дейди. Шунда Зухраой:

— Мома, айнибсизми. Қора кигиз ювган билан оқ бўлармиди?!— деса, Мастон кампир момоси:

— Бўлмаса, ўлган ҳам тириладими. Сен бўлсанг, беҳудага лой одамчани бир кам қирқ кундан бери кўтариб

юрисам,— деди. Бу сўзини эшитиб, Зухраой «воҳ» деб, йўтариб юрган юкини кўчага отиб ташлаб, ўзи телбаларча қабристонга қараб югурди. Зухрани кўриб, бир неча киз, Зухранинг орқасидан кетаверди. Зухра қараса, қизлар чувуллашиб, халақит берадигандай! Дарҳол Зухра ўандаги дарна бор зеби айнатларни йўл-йўлакай ташлаб кетаверди. Қизлар тилла-кумуш узуклар, марварид сиргалар, муничоқ, билак узукларга қизиқиб, бир-бири билан талашиб, орқада қолиб кетдилар. Зухраой ёлғиз ўзи қабристонга етиб бориб, Тоҳирнинг қабрини топиб қараса, қабрдан шундай мушку анбар кўқиб, одамни ўзига шундай жазман қиладики, ҳеч қўйнинг, Зухранинг орқасида нима камалчилиги бор. Бирдан кўнглига дунёнинг тирикчилигидан ўлиш афзал бўлиб кўрниниб, ерга қараб, «энди қўйнингни оч!» деб, Зухраой шунда нима дейди:

Эй қора ер, мендай гариб шўрлига,
Ором олай кириб, тезроқ қўйнинг оч!
Қирқ кун бўлди, ҳолдан тойдим, чарчадим,
Ором олай, менга тезроқ қўйнинг оч!

Зор ниграйман, ёрим қабри бошида,
Ғаваз айтиб бунда, сирти — тошида.
Кириб ётай энди унинг қошида,
Осон айлаб, менга тезроқ қўйнинг оч!

Бошингда, Тоҳиржон, анбар кўқийди,
Зухра дўстинг бунда ғаваз ўқийди.
Оч ўзингнинг, кириб ётай ёнингга!
Сендан бошқа ич куярим йўқийди!

Ер остида барин билиб ётибсан,
Ҳол тилингман, менга сўзлар қотибсан,
Мен ҳам борай, мендан аввал кетибсан,
Мен ҳам кирай, ёрим, тезроқ қўйнинг оч!

Йиглайман кўзимдан дарё қон сочиб,
Қабринг тепасида мадорим қочиб.
Осон қил, кўнглингман кўнглим ҳурмати,
Кирмакка ёнингдан бергин жой очиб!

Шунда ширп этиб Тоҳир қабрининг ёнбошидан эшик очилди. Зухра ўзини шу эшикдан отди. Ҳалиги хушбўй ҳид бирдан Зухражонни маст этиб, абадий ухлатиб қўйди. Ернинг очилган оғзи яна ширп этиб ёпилиб қолди. Қизлар буни кўриб, қаттиқ йиғлашиб, ўша жойга тупроқ уйиб кетдилар. Шуйтиб, энди Тоҳирнинг қабри якка эмас, қўша бўлиб қолди. Бу хабар Узжанга тезда тарқади. Қоработир қаттиқ рашк қилиб, жоҳил, аҳмоқ, баччагар, ор-номусга чидай олмай, Зухранинг қабри қошига бориб, ўз кўксига ўзи ханжар билан бир уриб, ҳалок бўлди. Қоработирнинг ўзидан уч ҳисса аҳмоқроқ бир синглиси бор эди. У «менинг акам қандай одам, жондай одам. Зухра бўлса қиёматда ҳам менинг акамнинг ёри бўлиши керак», деб Қоработирни Тоҳир билан Зухранинг ўртасига кўмдирди. Барибир Қоработирнинг ўлиги ҳам бу икки ошиқ-маъшуққа тўсиқ бўлолмайдди. Қоработирнинг қабридан оқтош кўкариб чиқиб, чақир тикан бўлиб кетди. Тоҳирнинг қабридан напармон, Зухранинг қабридан қизил гулли печак гул кўкариб, напармон печак гул билан қизил печак гул бир-бирига чирмашиб кетди. Оқбош бўлса ўртада қисилиб, қувраб қолди. Ҳали ҳам одамлар эсдалик учун печак гул экиб юрадилар. Печак гул асли одам — қизили Зухраой, напармони бўлса Тоҳир, шуйтиб, печак гул одам бўйи бўлиб ўсади. Ҳамма ҳам қўшилган ўз ёри билан печак гулдай эшилиб қўша қарисин!